



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 29 август, № 180 (8523)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

"Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади", деган эзгу гоя асосида бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Ўқувчи ва мураббийларнинг меҳнат шариоитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баравар ошди.

Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификат бора ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди. Натижада 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмга маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингга етди, 10 миллион сўмдан юқори ойлик олувчилар 1 мингдан ошди.

Мактаблар юқумли касалтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу — аввалги йиллардагига нисбатан 15 баравар кўп. Олий таълимда ҳам қамров 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилди.

Шу билан бирга, мактаб таълими соҳасида долзарб масалалар ҳали кўп.

Бугунги кунда бошланғич синфларда 11 та, юқори синфларда 16 та фан ўтилади. Лекин ўқувчилар аниқ бир йўналишда чуқур билимга эга бўлимай, мактабни битирапти.

Ўтган йили 220 минг муаллимдан 86 минг нафари ёки 37 фоизнинг билим ва кўникмаси "қоникарсиз" баҳоланган. Бу ҳол, айниқса, ҳозир талаб юқори бўлган информатика, инглиз тили, физика, математика ва кимё фани ўқитувчиларида бўлгани ташвишли.

Охириги олти ярим йилда юртимизда 320 минг хондонли янги ўқувчи барпо этилган. Лекин уларга мос қувватда мактаблар қурилмаган. Янги массив ва маҳалларда ҳозирнинг ўзидан 350 минг ўринли мактабларга талаб бор. Мавжуд мактаблар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар кўп.

Сўнгги йилларда 70 минг ўринли 350 та хусусий мактаб ташкил этилган. Аммо кўплаб вилоятларда бу борадаги ишлар етарли эмас.

Шу каби тахлилларни қайд этар экан, давлатимиз раҳбари мактабларни ҳам мазмун, ҳам шариоит жиҳатидан яхшилаш бўйича янги ташаббусларни билдирди.

Аввало, таълим сифатини ошириш мақсадида республика бўйича 500 та мактабда

Президент мактаби ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқув дастури ҳамда баҳолаш тизими жорий этилди. Бир йилда уларнинг иши баҳолашиб, янги тизимни самарали қўллаган ўқитувчиларга 40 фоизгача устама берилди. Келгуси беш йилда ушбу тизим барча мактабларда жорий қилинади.

Бу йил мактабларда дарс бериш учун хориждан 500 нафар "тил эгалари" таклиф этилган. Кейинги йилларда улар яна кўپаяди. Шу боис ҳокимликларга чет эллик ўқитувчиларнинг уй-жой масаласини ҳал қилиш топширилди.

Юқори синфда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 гага қисқаради. Бунда, 10 ва 11-синф ўқувчиларига "кимё — биология", "математика — физика", "математика — чет тили", "она тили ва адабиёт — чет тили" фанлари уларнинг танлови асосида чуқурлаштириб ўқитилади.

Касб-ҳунар эгаллаш истагидаги ўқувчиларга эса мактабнинг ўзидан тайёр мутахассис бўлиб етишиш имконияти яратилди. Келгуси ўқув йилидан камида 1 мингта мактаб шу тизимга ўтказилади.

Дарсларнинг мазмуни ҳам ўзгаради. 1-синфдан компьютер саводхонлиги, юқори синфларда молиявий саводхонлик дарслари жорий этилади.

Энг муҳими, ўқув дастурларига қўшимча янги фанларни кириштириш тақдирланади. Энди барча янги таклифлар мавжуд фанларга интеграция қилиниб тайёрланади.

Президент ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шариоит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Унга қўра, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва туйфа бериш тизими тўлиқ ўзгартирилади. Жумладан, ўқитувчиликка қабул қилиш танлов асосида бўлади. Илк бор келган номзодларга 1 йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлаш ва йил якуни билан касбий сертификат олиш талаби қўйилади. Кейинчалик бу тизим барча ўқитувчилар учун босқичма-босқич жорий қилинади.

Ўқитувчилар малакеси ҳам табақалашган ҳолда оширилади. Яъни малака оширишдан олдин ўқитувчининг билими "диагностикадан ўтказилади" ва натижасига қўра индивидуал касбий ривожланиш йўналишлари белгиланади. Паст натижа оланган бўйича ўзи ўқиган олийгоҳга рекламация юборилади. Яъни бу педагогик олийгоҳлар фаолияти учун ҳам баҳо бўлади.

Шу боис ҳудудий малака ошириш мар-

казлари фаолиятини танқидий ўрганиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича топширик берилди.

Муаллимларга малака тоифасини бериш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда педагогнинг билими дастлабки имтиҳонда баҳолашиб, 70 фоиздан кўп балл тўлаганлар иккинчи босқичга ўтади. Иккинчи босқичда илгор педагогик технологияларни қўллаш, ўқувчилар билан ишлаш методикаси ва баҳолашдаги ёндашувлари текширилади.

Мактабга ва мактаб таълими вазирлигига ушбу тахриридаги ўқитувчиларнинг билим даражаси паст бўлган 20 та туманда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юртимизини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, Тошкент ва Чирчиқдаги Педагогика университетларида мутахассислар Президент мактаби дастури асосида тайёрланади. Бу муассасалар педагогика йўналишидаги институтлар учун "тянжак олигоҳ" бўлади.

Келгуси ўқув йилидан кадрлар етиштирмайдиган, оғир мактаблар олинган танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади.

Мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартирилади. Энди директорликка номзодлар фақат сертификат бора ва захиратга киририлган кадрлар орасидан танланади ва мўддатли шартнома асосида ишга олинади. Директорлар ва унинг ўринбосарлари ҳар беш йилда бир марта сертификациядан ўтади.

Соҳадаги яна бир долзарб масала — ўқувчи ўрнини кўпайтириш.

Келгуси йилда Инвестиция дастури доирасида мактаб қурилишига 3 триллион сўм ажратилиши назарда тутилган. Бунинг ҳисобига 150 минг янги ўқувчи ўрни яратилади.

Кам қувватда ишлайётган 61 та коллеж биносидан мактаблар ташкил қилинади. Хусусий шериклик асосида 50 та мактаб қурилади.

Хусусий секторга қўшимча шариоитлар яратиш орқали йилга камида 25 минг ўқувчи ўрни очилади. Бунинг учун тадбиркорларга хусусий мактаб ташкил қилишга кредитнинг 7 фоиз қисми бюджетдан қўллаб берилади. Янги мактаб қуриш учун ер майдонлари мақсадли аукционга чиқарилади.

Умуман, бу ишлар орқали келгуси йилнинг ўзидан 250 минг ёки ўтган йилга нисбатан 2 қарра кўп ўқувчи ўрни яратилиши таъкидланди.

Мутаассадиларга ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш, мактаблар қуриш ва жи-

ҳозлаш, муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Битирувчиларнинг бандлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йил 387 минг нафар ўқувчи мактабни тамомлаган. Шундан 138 мингтаси олий таълимга ўқишга кирган.

Давлатимиз раҳбари қолган битирувчиларни профессионал таълим билан қамраб олиш, ёшларни кам харажат қилиб, кўп даромад оладиган замонавий касбларга ўргатиш муҳимлигини таъкидлади. Ўқувчи билан манзилли ишлаш, бунда ҳоким, мактаб директорлари ва ота-оналарнинг масъулиятини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин 15 ёшгача бўлган болаларга йод, витаминлар ва гижжага қарши дорилар тарқатиш амалиёти жорий қилинган эди. Натижада болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига таъсир кўрсатадиган қалқонсимон без касалликлари камайган. Шу боис ўқувчиларга йод препаратларини беғул тарқатиши давом эттириш, аҳоли орасида йод истеъмолининг фойдали хусусиятларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда Президент барча ўқитувчилар, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилди.

— Азиз устозлар, мактаб таълими соҳасидаги ислохотларимизни амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим, деб биланман. Мактаб таълимининг янада яхшилаш бўйича қабул қилаётган чора-тадбирларимизнинг пировард натижаси аввало сизларга, сизларнинг фикдорона меҳнатингизга боғлиқ.

Мен сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олийжаноб ишга — янги авлод тарбиясига бағишлаган, ўз касбини содик ва фидойи инсонларни қўраман. Бугун сизлар таълим-тарбия бераётган, қалбини, онгини эзгулик билан тўлдирётган миллионлаб фарзандларимиз эрта Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиб бизнинг сифимизга қиради. Ватанимиз, халқимиз сизларнинг бундай олийжаноб хизматларингизни ҳеч қачон унутмайди. Ўқитувчилик касбини эъзозлаш, унинг меҳнатини қадрлаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Янгилаган Конституциямизда ўқитувчи макомини мустақамлаб қўйдик. Келгуси ўз асосида, албатта, кўп ишларни амалга оширамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва бошқа масъуллар ахборот берди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.САКСАНОВНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини яққол намоён этиб, тадбиркорлик соҳасида кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётгани, ижтимоий масалаларни ҳал этишда жонбошиқ кўрсатётгани, хусусан, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишларидаги катта хизматлари, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида алоҳида ибрат ва намуна бўлаётгани, шунингдек, жамиятда ўзаро кўмак, саховат ва меҳр-оқибатни кучайтиришга қаратилган эзгу ҳаракатлардаги фаол иштироки учун Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Саксанов» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Саксанов Абдиқарим Юлдашович «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2023 йил 28 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ М.СУЛТАНОВАГА «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тахриблар, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ишларида кўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлоднинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, улар қалбидан илм-фан ва билимга интилиш, меҳнатсеварлик ва бағрикенглик кўникмаларини шакллантириш ва мустақамлаш, фарзандларимизни эзгу гоялар, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Наманган вилояти Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори Султанова Мамурхон Раҳмановнага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2023 йил 28 август

## Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЮҚОРИ САЛОҲИЯТЛИ ИНДУСТРИАЛ ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Ҳар қандай марра, мақсадга муваффақиятли етишда тўғри йўлни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимизни ривожлантиришнинг яқин ва узоқ келажаққа мўлжалланган тараққиёт йўли пухта ўйланган ва аниқ режаларга асосланганини қисқа даврда ҳар жиҳатдан равақ топаётган Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Сўнгги йилларда вилоятимизда таъбири билан айтганда, узоқ йиллик аграр ҳудуд деган ном ўрнига қўри салоҳиятли индустриал вилоят макомига эга бўлди. Яъни бир вақтлар Сирдарё иссиқлик электр станцияси, эски технологияларда ишлайдиган пахта заводлари ва бошқа бармоқ билан сар-

## Биз ва жаҳон

### Ўзбекистон — жадал суръатларда тараққий этаётган мамлакат

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган расмий қабул ташкил этилди.

Қабулда БМТнинг юқори мартабали расмийлари, хорижий давлатларнинг доимий вакиллари, Нью-Йорк шаҳри маъмурияти ва Сенати аъзолари, нуфузли жамоат арбоблари, ишбилармонлар, экспертлар ҳамда АҚШда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирок этди.

Қабул маросими Ўзбекистон давлат маънаси ижроси билан бошланди. Тадбир доирасида меҳмонлар эътиборига мамлакатимизнинг бой тарихий мероси, кўп миллатли халқимизнинг бебаҳо маданияти, қадимий

анъаналари ҳамда юртимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари ва замонавий тараққиётга оид юқори сифатли видеолар ҳамда намоиш этилди. Шунингдек, иштирокчилар эътиборига ўзбек миллий куй-кўшиқлари ва рақслардан иборат маданий дастур тақдим қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улуғбек Лапасов барча ватандошларимизни мустақиллик байрами билан самимий муборақбод этди.

## ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАР БИЛАН ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Юй Цяон мамлакатимиз истиқлолининг 32 йиллиги муносабати билан халқимизга ўз табригини йўлади.

### Дил сўзи

— 32 йил муқаддам Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўз тарихида янгича шарт-шариоитларга мувофиқ, ўз тараққиёт йўлини танлади, мамлакат янги қиёфага эга бўлди. Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакат халқи янги Ўзбекистонни қуришдек буюк мақсад сари илдам қадам ташламоқда.

Турли соҳаларда ислохотлар чуқурлашгани, иқтисодиёт жадал ўсмоқда, жамият қурилиши олдинга силжимоқда, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб, халқаро мақоми сезиларли ошмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъ-



кидлаганидек: "Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас".

Қадимий тамаддунга эга бўлган Ўзбекистон тобора янги ҳаётий кучга тўлиб борапти, меҳнатсевар ва донишманд Ўзбекистонликлар миллий тараққиёт ва юксалишнинг буюк манзарасини ўз қўллари билан бунёд этишмоқда. Биз самимий қўшни сифатида бундан фойрат хурсандимиз.

Мустақилликка эришганидан бери Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар барқарор ривож топмоқда. Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон ХХР билан биринчи бўлиб расмий дипломатик муносабатларни

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин ЛЭММ:

### ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР — АМЕРИКА КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН ЯХШИ ИМКОНИЯТ

АҚШнинг етакчи "PR Newswire" янгиликлар онлайн платформасида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АУСС) раиси Кэролин Лэмминг "Келажақ бугундан бошланади: АҚШ ва Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги ривожланишида АУСС" сарлавхали таҳлилий мақоласи жойлаштирилди.

"Жорий йилда АУСС ўзининг 30 йиллигини нишонламоқда, — деб ёзган муаллиф. — Бугун Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳар доимидан-да муҳим бўлиб қолмоқда. АУСС АҚШ ва МДХдаги энг қадим-

ги ва нуфузли савдо уюшмаси бўлиб, Американинг йирик брендларини ифодаловчи платформа сифатида Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда фаолият юряптапти.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни



Энг улуг, энг азиз неъмат — Ватанимиз истиқлоли, бугунги озод, тинч ва фаровон ҳаёт учун қурашиб, азиз жонларини фидо этган, собиқ иттифоқ даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуг маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сийёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номиларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш-

га қаратилган илмий тадқиқот ишлари, баъдий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолари — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашодхоннинг Ватанимизнинг юксак "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши маънавий ҳаётимиздаги улуг воқеалардан бири бўлди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин ЛЭММ:

# ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР — АМЕРИКА КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН ЯХШИ ИМКОНИАТ



Палата аъзолари орасида Ўзбекистонга биринчилардан бўлиб сармоя киритган, Марказий Осиё бозорлари учун муваффақиятли ишлаб чиқаришни жорий қилиш орқали мамлакат сармоя жозибдорлигига ҳисса қўшган корхоналар бор. "White & Case LLP", "Coca-Cola", "CNH Industrial", "GM" ва бошқа компаниялар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган иқтисодийнинг ривожланиши ҳам қўллаб-қувватламоқда. Улар очкилик, шаффофликни ҳамда самарадорлини ошириш ва коррупцияни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар орқали янада кулай бизнес ва инвестиция муҳитини таъминлашга ёрдам бериши. Бош қомусга киритилган ўзгаришлар, шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва хусусий мулк дахлсизлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Яна бир муҳим иқтисодий ўзгариш бутун Ўзбекистон бўйлаб товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши кафолати бўлди", дея қайд этилган электрон платформада.

Мақолада, шунингдек, жорий йил 9 июль кунини бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари ҳам қаламга олинган. "Ушбу сайловда амалдаги давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев сайловчилар овозининг 87,05 фоизини тўлаб, мутлақ ғалабага эришди, — дейилади мандабда. — Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундан қарий етти йил олдин лавозимга киришган Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат ичинда ва минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий имкониятлар даври сари етакловчи, узокни кўра оладиган давлат раҳбари бўла олди".

Муаллифнинг таъкидлашича, халқаро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда АҚШ инвесторлари, экспортчилари, ишлаб чиқарувчилари ва ишбилармон доиралари учун Ўзбекистон ҳуқуқати билан алоқаларни янада чуқурлаштириш жуда муҳим. Чунки Ўзбекистондаги иқтисодий ва саноат ўзгаришлари, хорижий инвесторлар учун имтиёзлар — Америка компаниялари учун яхши янглик ва имконият, — дейилади материалда.

"Биз АҚШнинг барча компанияларини унда иштирок этишга чорлаймиз. Йиллар сайин АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкам, бардошли ва инновацион бўлиб бормоқда. Бу Америка ва Ўзбекистон халқига катта фойда келтирмоқда ҳамда биз умумий манфаатлар ва мақсадларни қўзлаган ҳолда стратегия иттифок ва дўстлик ривожланиши мустаҳкамлашда давом этишимиз керак", деб ёзган Кэролин Лэмм мақола хулосасида.

«Дунё» АА. Вашингтон

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАН МАМЛАКАТ

Доимий вакил, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли жадал демократик ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Ушбу ўзгаришлар Ватанимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб бергани, хусусан, кўп миллатли халқимиз ҳаёти фаровонлигини ошириш, иқтисодийтимизни юксалтириш, тинчлик-осойиштагимизни мустаҳкамлаш, давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Барча ислохотлар замирида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, қад-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби эзгу мақсад муҳимасамлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистоннинг сўнгги олти йилда БМТ билан кенг қамровли ҳамкорлиги жадаллашганига эътибор қаратилиб, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг ишончли субъекти сифатида халқаро ва минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликка улкан ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келиши ургуланди.

Тадбирнинг faxрий меҳмони,

БМТ Бош Ассамблеясининг Раиси Чабба Кёрёши давлатимиз раҳбари, кўп миллатли халқимиз ва барча ватандашларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан самимий муборакбод этаркан, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси ҳамда бугунги кундаги жадал тараққиётга юксак баҳо бериб, Ўзбекистонни кўпбалла давлатлар учун намуна сифатида кўрсатди.

"Ўзбекистон қадимий ўлка, бу кўна заминда минг йиллар муқаддам тараққиёт, илм-фан ва санъат ҳамоҳанг ривожланган. Бу заминга ташриф буюринг ва бунга ўзингиз гувоҳ бўлинг. Бир неча йил аввал бунга ўзим шахсан гувоҳ бўлганман. Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар, буюк алломалар, хусусан, Абу Али ибн Синонинг илмий меросидан олган улкан таассуротларим бир умрга хотирамда муҳрланиб қолади. Бугун Ўзбекистон ёш, навқирон, улкан режа ва мақсадларга эга, куч-ғайратга тўла жадал суръатларда тараққиёт этаётган давлатдир. Ўзбекистон кўп томонлама ҳам-

корликни илгари суриб, БМТ уставининг бош мақсад ва вазифаларига тўлалигича риоя қилаётган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётга қўшаётган ҳиссаси учун катта раҳмат айтишимиз керак. Бу — биз учун ҳақиқий намуна. Мен, шунингдек, Ўзбекистоннинг диний баркиренглик ғояларини илгари суриш бўйича фаоллигини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ушбу йўналишдаги эзгу фаолият, айниқса, бугунги дунёда ўта долзарб аҳамиятга эга", деди БМТ Бош Ассамблеяси Раиси.

Чабба Кёрёши, шунингдек, барча давлатлар ва ўз номидан Ўзбекистонга сентябрь ойида бўлиб ўтаётган БМТ Бош Ассамблеясининг силга қарши курашиш юзасидан олиб бораётган илгари суриш ҳужжати — Сиёсий декларация лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ҳукуматларо музокараларни Польша томони билан биргаликда самарали мувофиқлаштиришни учун чуқур миннатдорлик билдирди.



## ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАР БИЛАН ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ



ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев стратегик раҳбарлиги остида икки томонлама муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, йилдан-йилга ўсаётгани таҳсинга сазовор. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги барқарор ишонч, ўзаро манфаатли алоқалар ва халқаро ҳамкорлик чуқурлашиб бораётгани ҳам бизни қувонтиради.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги биргаликдаги ишлар самарали натижаларни берди. Инсониятнинг тақдирини учун муҳим бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат икки томоннинг умумий мақсадимиз ва

тақадда тинчликни, барқарорлик ҳамда тараққиётни таъминлаш учун ижобий энергия тақдим этди.

Ҳозирги вақтда Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи босқичида турибди. Хитой миллатининг юксалиши учун модернизациянинг хитойча услуби йўлидан бориб, юқори сифатли ривожланиш ва олий даражадаги очкиликни амалга оширмоқда. Иқтисодий тараққиёт сезиларли барқарорлик ва улкан салоҳиятни намойиш этди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт ҳам стратегик имкониятларнинг муҳим даврини кечиряпти. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий шеърини айтилганча, "Мен халқимни бахтли ва фаровон кўришни истайман!"

Тараққиётга ҳисса қўлиш ва одамларга фойда келтириш — бу бизнинг умумий мақсадимиз ва

умрбоқий интилишимиз. Хитой ва Ўзбекистон ўхшаш мақсад ва интилишларга эга, ҳар доим яхши қўшиллар, самимий дўстлар ва ишончли шериклар бўлиб қолишига, биргаликда миллий тараққиёт ва ривожланиш йўлида ёруғ келажакни қуришга тайёр эканликларига ишонаман.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли раҳбарлиги остида Ўзбекистон, албатта, фаровонликка ва катта ютуқларга, халқи эса бахт ва иқболга эришишига тилақдоримиз!

Сўзим якунида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиҳонаси номидан Ўзбекистон халқини давлат мустақиллиги кунини билан чин дилдан табриқлайман!

Абдували СОЙБЕНАЗАРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Авалроқ, Ўзбекистон ва Польша Бош Ассамблея Раиси томонидан БМТнинг Силга қарши курашиш бўйича олий даражадаги йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги резолюция ва унинг якуний ҳужжатини ишлаб чиқиш юзасидан ҳуку-

стикон мустақиллигига ўттиз икки йил тўлади. Ушбу кўп йиллик кўп йиллик муносиб равишда етиб келди. Бир ой аввал Ўзбекистонда бўлдим. Самарқанд ва бошқа ҳудудларда олиб борилаётган улкан бунёд-



матларо музокараларнинг мувофиқлаштирувчилари этиб тайинланган эди. Мазкур жараён салкам бир йил давом этди ва яқин кунларда ниҳоят етиши кутилмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида БМТ ва бошқа халқаро ташиқлотларнинг юқори мартабали вакиллари, нуфузли сиёсат ва жамоат намоёндалари ҳамда ватандошлар мамлакатимиз раҳбарияти ва кўп миллатли халқимизга самимий табриқларини йўллади.

"Бугун БМТ қароргоҳида катта шодиёна бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўпбалла давлатлари вакиллари, Ўзбекистонлик ватандошлар фаол қатнашди. Яқинда жонажон Ватанимиз — Ўзе-

корлик ишлари ва катта ўзгаришларнинг шахсан гувоҳига айландим. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган мақсад ва вазифалар учун истиқболни ўйлаган ҳолда самарали амалга оширилмоқда. Мен Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига қалбимдаги энг эзгу ниятларни тилайман. Ўзбекистон осмонни доимо сувафҳо бўлсин, ўзбек халқини тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик асло тарк этмасин. Ўзбекистон мустақиллиги абадий бўлсин", деди АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси раҳбари Борис Кандов.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

## Давлат хизматлари маркази: СИФАТ ВА ҚАМРОВ ОШМОҚДА

Наманган шаҳридаги Давлат хизматлари марказида фуқароларга талаб энг юқори бўлган 300 дан ортиқ хизматлар таклиф этилмоқда.

### Хизмат



Айни жараёнда "Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Президент Фармонида келиб чиқиб алоҳида тоифа (йўлақ)ларга ажратган ҳолда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Уч турда — осон, ўрта ва мураккаб тоифага асосланган бу амалиёт даставвал Тошкент шаҳрининг Олмазор ҳамда Чилонзор туманларида тажрибадан ўтказилган эди.

— Бу янглик бизда ҳам тезда самара берди, — дейди Наманган шаҳар Давлат хизматлари маркази директори Нодирбек Исомиддинов. — Буни бир-

гина кутиш ва хизмат кўрсатиш вақти ўртача икки бараварга қисқарганида ҳам қуриш мумкин.

Шунингдек, ушбу амалиёт ходимларнинг малака ва тажрибаси қай даражада эканлигини аниқлаш, қайси йўналишда муаммога дуч келинаётганлигига эътибор қаратиб, малакасини ошириб бориш, янги ишга қабул қилинган ходимларни "осон" давлат хизматлари тоифасида хизмат кўрсатишдан бошлаб, "мураккаб" тоифасигача босқичма-босқич ўтказиш чораларини кўриш, "Устоз — шогирд" тамойиллари асосида фаолият юритиш тизимини мустаҳкамлаш имконини беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

## 150 ЎРИНЛИ МЕҲМОНХОНА

Анджон шаҳрида мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган "Premier hotel And" меҳмонхонаси мижозларга хизмат кўрсата болади. 15 млрд. сўмлик лойиҳа асосида қад ростилаган мазкур мажмуа 6 қаватдан иборат бўлиб, бир пайтнинг ўзида 150 кишини қабул қилиш имкониятига эга.

### Кулайлик

— Анджонга тез-тез келиб тураман, — дейди пойтахтлик тадбиркор Руслан Низомутдинов. — Шаҳар жуда гавжум ва меҳмонхоналар ўртасида эркин рақобат бор. Бу мижозлар учун энг қулай ва шимна меҳмонхонани танлаш имконини беради. "Premier hotel And" эса ҳар томонлама мижозлар талабига мос келади.

Вилоят марказининг аҳоли энг зич ҳудудида жойлашган мазкур меҳмонхона 69 та хонадан иборат бўлиб, мажлислар, байрам тадбирлари ва бошқа маросимларни ташкил этиш учун қулай майдонлар, автотураргоҳ, савдо мажмуаси, чўмилиш хавзаси ҳамда саунага эга.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЮҚОРИ САЛОҲИАТЛИ ИНДУСТРИАЛ ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Шунинг баробарида вилоятда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,3 баробар кўпайиб, 12 триллион сўмдан ошди. Уз ўрнида унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 25 фоизга етди. Умуман, ялпи ҳудудий маҳсулот 1,5 баробар кўпайиб, 18 триллион сўмга, аҳоли жон бошига эса 20 миллион сўмга етди.

— Кейинги йилларда яқин ва узок истиқболга мўлжалланган иқтисодий лойиҳаларни уз вақтида ва муваффақиятли амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида янги-янги энергетика ресурслари яратиш борасида вилоятимизда улкан ишлар бажарилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати, Сирдарё иссиқлик электр станциясининг директори Баҳром Собиров. — Бу борада бир неча янги қувватлар ишга туширилди. Бизнинг корхонамизда эса кенг қўламли модернизация лойиҳаси амалга оширилди. Натижада электр ишлаб чиқаришга сарфла-

надиган табиий газ ҳажми камайиб, самарадорлик сезиларли даражада ошди. Яна станциямиз ёнида 1300 киловатт қувватга эга бўлган кўёш фотоэлектр станцияси ҳам фойдаланишга топширилди. Шунинг мамнуният билан айтаманки, корхонамиз яқинида тез орада хорижий ҳамкорлар билан биргаликда бунёд этилаётган 1500 мегаватт қувватга эга яна бир йирик электр станцияси ишга туширилади ва Ширин шаҳри том маънода мамлакатимизнинг энг катта энергетика марказига айланади.

Айни пайтда вилоятда иқтисодий ўсиш билан тенгма-тенг ривожда ижтимоий соҳада ҳам катта ўзгаришлар қилинди. Хусусан, ҳудудда таълимнинг бутунлай янги шаклидаги Президент мактаби, Ҳалима Худойбердиева номидagi ижод мактаби, иттиҳослаштирилган таълим муассасалари очилди. Кўпбалла мактаблар тубдан таъмирланди ва янгилири қурилди. Эътиборлиси, бу борада келгуси етти

йилга мўлжалланган режалар янада залварли. Жумладан, вилоятда 450 та янги боғча фаолияти йўлга қўйилиб, қўшимча 15 мингта бола ўрни яратилиши, 17 та маҳаллада янги мактаблар барпо этилиши, 40 та мактаб реконструкция қилиниши, барча мактаблар иссиқ ва филтёрланган ичимлик суви билан таъминланиши белгиланди.

Албатта, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шароитлар яратиш — устувор вазифа. Бу борада, айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган катта эътибор таҳсинга лойиқ. Буни биргина Гулистон шаҳрида кейинги олти ярим йилда бир неча янги тураржой массивлари бунёд этилганида ҳам кўриш мумкин. Келгуси етти йилда эса вилоятда 900 та кўп қаватли уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, мазкур йиллар давомида 400 километр йўл, 2,5 минг километр сув тармоғи, 455 та сув иншооти қурилди. 4 минг километр электр тармоқлари ва 1 мингта трансформатор янгиланди. Умуман, келгуси етти йилда вилоятда маҳалалар инфратузилмасини яхшилашга 10 триллион сўм йўналтирилиши белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда илк бор кафолатланган пакет асосида тиббий хизмат кўрсатиш ишлари Сирдарёда йўлга қўйилди. Айни вақтда мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга ошириляпти. Хусусан, Гулистон тиббиёт кластерида "Тиббиёт шаҳарчаси" барпо этилиб, вилоятдаги 6 та шифохонани



битта ҳудудга жойлаштириш бўйича белгиланган ишлар жадал давомида амалга оширилди. Шу билан бирга, келгусида аҳолига янада сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аниқ режалар белгиланган. Жумладан, келгуси йилларда вилоятнинг турли ҳудудларида 55 та поликлиника ва шифокорлик, 15 та тиббиёт пунклари ташкил этилади. Оқолтин ва Сирдарё туманларида жароҳатлар ва юрак-қон томир касалликлари туманларо қўшма марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Сардоба ва Боёвўтда туманларо перинатал марказлар очилади. Вилоятдаги барча туғруқ комплекслари реконструкция қилиниб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Таъкидлаш лозимки, қисқа вақтда аграр вилоятдан иқтисодий салоҳияти юқори ҳудудга айланган Сирдарё вилоятида эндиликда Хитой тажрибаси асосида иқти-

содиётга инновация ва замонавий технологиялар олиб кириш устувор вазифага айланади. Унга кўра, хорижий инвестициялар ҳисобига вилоятнинг деярли барча туманларида турли хил иттиҳослашувга эга янги ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади. Натижада келгуси етти йилда вилоят экспортни ҳажми 5 карра оширилиб, 1 миллиард 800 миллион долларга етказилиши кутилмоқда. Айтиш лозимки, бу жуда юксак ва албатта, вилоятни янада ривожланган ҳудудга олиб чиқадиган маррадир.

Сирдарёда олиб борилаётган изчил ва жадал ҳаракатлар, воҳа аҳлининг тараққиётнинг равон йўлидан ҳамжихатлик билан олға интилаётгани ушбу мақсадга етишда муҳим омил бўлади, албатта.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Сенат кўмитида

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ БУЮРТМАЛАРИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ёшлар парламенти томонидан масъул вазирилик ва идораларнинг ёшлар масалаларига оид давлат ижтимоий буюртмаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўзлаштирилишига бағишланган учрашув ташкил этилди.

Мазкур мулоқотдан мақсад давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат органларининг ижтимоий буюртмаларини амалга оширишда уларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Учрашувда сенаторлар, ижтимоий буюртма тақдим этган вазирилик ва идоралар масъуллари, Ёшлар иттифоқи, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди раҳбари ҳамда фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси томонидан давлат ижтимоий буюртмасини тайёрлаш, тақдим этиш ва амалга ошириш юзасидан маълумот берилди.

Шунингдек, учрашув давоми-

да давлат органлари томонидан 2024 йил учун ишлаб чиқилган ижтимоий буюртмалар тақдими ўтказилди. Хусусан, Ёшлар сиёсати ва спорт, Маданият, Мактабгача ва мактаб таълими, Адлия вазириликлари ҳамда Маданий мерос агентлигининг ёшларга доир давлат ижтимоий буюртмалари муҳокама қилинди.

Мулоқот жараёнида давлат ижтимоий буюртмаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва воситани тўлиқ йўналтиришга хизмат қилишни таъкидлаб, қонун лойиҳасини маъқуллади.

Уз навбатида, Ёшлар парламентида ижтимоий лойиҳа ва грантларда иштирок этиш имкониятлари юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ» АЖДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси мажлисида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил қилиш, кўтарилган масала ва муаммоларни зудлик билан ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти директорининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланишича, 2023 йилнинг биринчи ярмида «Худудгазтаъминот» АЖга Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали жисмоний ва юридик шахслардан жами 25,7 мингта мурожаат тушган ва уларнинг 22,4 мингтаси қаноатлантирилган, 71 таси рад этилган.

Энг кўп мурожаатлар Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келиб тушган.

Тизимда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича 98 та тадбир ўтказилган ҳамда жамоатчилик вакиллари олдига 47 марта ҳисобот берилган. «Худудгазтаъминот» АЖ ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан ташкил этилган шахсий қабулларда 7,2 минг, сайёр қабулларда 13,4 минг на-

фар жисмоний ва юридик шахс вакиллари қабул қилинган.

Мажлисда кўмита аъзолари томонидан мурожаатларга этиборсизлик билан қараш, уларни чуқур ўрганмаслик ва юзакий ёндашиш оқибатида такрорий ариза ва шикоятлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 12 фоиз ортанлиги таъкидланди.

Шунингдек, мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичлари ўрганилди. «Худудгазтаъминот» АЖ ва унинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги қорхоналарида ушбу кўрсаткич 4 — 18 фоизгача пасайган.

Кўмита аъзолари аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар билдирди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида

ДОЛЗАРБ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МУФАССАЛ МУҲОКАМАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда жамиятимизнинг турли соҳаларини ислоҳ қилишга доир бир қатор қонун лойиҳалари муфассал кўриб чиқилди.

Жинойтчиликка қарши жазо чоралари кучайтирилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳада рақамлаштиришнинг кенг жорий этилаётгани иш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Бироқ гараз ниятли шахслар бу жараёндан салбий мақсадларда фойдаланиб, янги турдаги хукукбузарликлар сонининг ортишига сабабчи бўляпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан интернет-да товламачилик, ноқонуний криптоактивлар айланмаси ва майнинг билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик ҳамда мобил қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини қонуний ишлаб чиқарувчисининг рухсатисиз ўзгариши, шунингдек, ушбу мақсадда махсус дастурлар ишлаб чиқиш, ўтказиш ёки улардан фойдаланиш учун маъмурий жавобгарлик белгиламоқда.

Депутатлар келгусида ахборот технологиялари ёрдамида содир қилинган жиноятлари фош этиш, қарши курашиш ҳамда тергов жараёнида барча куч ва воситани тўлиқ йўналтиришга хизмат қилишни таъкидлаб, қонун лойиҳасини маъқуллади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Тақлиф этилаётган ҳужжат лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги, «Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларга нисбатан тартибга солиш оқини камайтириш йўналишида кўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз тақлифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Янги нормалар ҳукукбузарликларга чек қўяди

«Адолат» СДП фракциясининг йиғилишида, хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳужжат лойиҳасига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ахборотни ношорқара тарзда тўпалаш ихтисослаштирилган махсус воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ўтказиш ва фойдаланиш қилмишлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини белгиловчи нормалар киритилаётди.

Шунингдек, банк картаси ёки бошқа тўлов карталарини қалбақлаштириш ёхуд улардан фойдаланиш ҳолатларига ҳамда банк картаси ёки бошқа тўлов карталарини, шунингдек, ичига микросхема ўрнатилган идентификациялаш модулини қалбақлаштиришга мўлжалланган махсус техника воситаларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш ҳамда

сатҳдан 1000 метр балоңда жойлашган мазкур қишлоққа электр энергияси тармоғи тортилмаган. Бу эса қишлоқдаги 21 хонадонда истиқомат қилувчи 120 нафар аҳоли учун муайян қийинчиликлар туғдирарди.

Шундай қилиб, сенатор фақатгина ҳаво орқали ёки махсус транспорт воситасида бориш мумкин бўлган қишлоққа электр етказиш ташаббуси билан чиқди. Бунинг учун темир устунлар, трансформатор ҳамда махсус техникалар ва мутахассислар ажратилган бўлиб, айни дамда иш жадаллик билан олиб боришмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЭЛЕКТР ТАРМОҒИ ТОРТИЛМОҚДА

Маълумки, охириги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти тубдан янгиланди. Натижада ушбу тузилма мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бугун қай бир ҳудуд ёки соҳада олиб борилаётган янги ланишларни кузатиш, аниқлаш, сенаторларимиз фаолигини қўриш мумкин. Айниқса, аҳоли билан ўтказиб келинаётган учрашувлар жараёнида кўпбал муаммолар масалалари аниқлиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилаётгани диққатга сазовор.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуғани Сангинов жорий йилнинг 2 апрель куни

Сурхондарё вилоятининг Сариев туманида фаоллар ва аҳоли билан учрашув ўтказган ва ана шу мулоқот чоғида қатор муаммолар ўртага ташланган эди. Жумладан, туман марказидан 70 км. узоқликда жойлашган тоғли Чочак қишлоғи аҳолисида электр энергияси тармоғи йўқлиги юзасидан мурожаат бўлганди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу мурожаат атрофида ўрганилди. Маълум бўлишича, денгиз

параметрлари 2 баробар, магистратурада 86 фоизга, клиник ординатурада 2,6 баробар оширилди.

Интернатура жорий этилиб, 19 та йўналишда йилига 500 нафар тор соҳа мутахассиси тайёрланмоқда. Қолаверса, ўқув режаларидаги номутахассис фанлар улushi 2 баробарга қисқартирилган ҳолда, хориждан ҳар йили 500 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар ўқув жараёнига жалб қилинмоқда.

Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, тиббиёт олий таълим муассасаларидаги илмий ҳимоялар сони охириги беш йил ичида 3 баробар ошганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, тиббиёт коллежлари негизида Абу Али ибн Сино номидаги 74 та жамоат саломамлиги техникуми ташкил этилди. Россия, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша, Беларусь, Украина каби қатор давлатларнинг 22 та университети билан 12 та бакалаврият таълим йўналиши, 10 та магистратура ва 8 та клиник ординатура мутахассислари бўйича халқаро қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Бугун соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришларни оддамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати ҳамда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН САОДАТ

Бугун кўп миллатли халқимиз жонажон Ватанимиз истиқлолнинг шонли ўттиз икки йиллик тўғинчи зўр шоду хуррамлик билан нишонлашга оғлиб тайёрларлик кўрмоқда. Бу йилги байрам тантаналари «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» деган бош гоё асосида нишонланади.

Жорий йил мамлакатимиз учун катта ўзгариш ва янгиликлар йили бўлди. Жумладан, 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдagi Конституцияси қабул қилинди ва 9 июль куни халқимиз фаоллиги билан ўтган Президент сайлови янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ушбу ўзгаришлар жамиятимизнинг сиёсий етуқлиги ва амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради. Энг муҳими, бу янгиликлар ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни «Инсон қадри учун» озгу гоёяси асосида халқимизнинг эркин ва фаровон яшашини таъминлаш ишлари янги босқичга кўтаришмоқда.

Глобаллашув жараёнининг тезлашиши дунёда барча соҳада рақобат муҳитини кучайтираётгани ҳаммамизга яхши маълум. Бундай шароитда замонавий билим беришга асосланган таълимнинг мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Ушбу жараёнда креатив ва танқидий фикрлайдиган ҳамда юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассисларга талаб ортади. Бу эса бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқ.

Шу жиҳатдан, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан таълимнинг барча йўналиши, жумладан, мактабгача ва мактаб таълими тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаёт ва мамот масаласи ҳисобланган таълим-тарбия соҳасида энг қулай шароитларни яратиш устувор вазифага айланди.

Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Мактаблар қуриш, мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш давом эттириляпти.

Биргина болаларимизни

мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 3 баробарга ортиб, 70 фоизга етди. Боғчалар сони эса қарийб уч марта қўлайиб, 14 мингдан ошди.

«Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади» деган гоё асосида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида ва худудларимизда Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар сони қўлайиб бораётди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими харажатларига Давлат бюджетидан 30,1 трлн. сўм ёки ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 6,2 трлн. сўм кўп маблағ йўналтирилди. Маҳалла-ларда очилаётган касб-хунарга ўқитиш курсларида минглаб ўғил-қизларимиз меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларни эгалламоқда.

Албатта, таълим соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани беҳиж эмас. Боси замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам шундан. Мамлакатнинг келгуси равнақни ҳам айнан шу соҳада кўлга киритилган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқ.

Мухтасар айтганда, охириги йилларда мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларнинг барчаси Ватанимиз мустақиллиги билан боғлиқ. Халқимиз ҳам ҳар йили ушбу байрамнинг янги гоёлар, янги ташаббуслар билан қарши олади. Янги режалар тузиб, фақат ва фақат олдига интилишга ҳаракат қилади. Зотан, бу жаннатшонанд юрда барча яхши яшашга ҳақли ва бутун саъй-ҳаракатлар ҳам шунга қаратилган.

Турсуной МУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Фикр

Айниқса, сўнгги етти йилда мамлакатимизда инсон саламатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини кучайтириш, халқимизнинг эркин ва фаровон яшаш, бахтли ҳаёти йўлида ислохотлар амалга оширилди.

Сир эмаски, яқин йилларгача юртимизда бу йўналишдаги аҳвол талаб даражасида эмасди. Масалан, чекка худудларда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари бинолари эскирган, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шароитлар йўқ эди. Одамлар тиббий хизмат сифати паслигидан оддий касаллик ташхиси ёки муолажаси учун узоқ йўл босиб вилоят марказларига, пойтахтга боришга мажбур эди.

Яна бир ҳаётни мисол. Бундан бир неча йил олдин Ўзбекистонда буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари ўтказилмаслиги оқибатида кўпчилик беморлар хорижий мамлакатларда катта маблағ эвазига даволанишга мажбур бўлган. Улар чет элларда даволанишда турли машаққатлар, катта миқдордаги молиявий харажатлар, сафар давомида тил билмаслик билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келарди.

Бугун-чи? Тизимда ўзгаришлар катта.



Соҳани, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва юқори технология жароҳлик амалиётлари натижасида кейинги йилларда бу борада қатор ижобий натижаларга эришилляпти. Буйрак ва жигар трансплантацияси билан боғлиқ мураккаб амалиётлар Ўзбекистоннинг ўзига ўтказилмоқда. Масалан, 2017 йилдан бошлаб юртимизда жигар, буйрак трансплантацияси, юрак соҳасидаги нозик ва мураккаб операциялар амалга оширилиб келинаётди. Натижада бундай амалиёт ўтказилган беморлар сони 15 баробар

ошиб, йилига 350 тани ташкил қилмоқда. 2017 — 2023 йиллар давомида мамлакатда 1100 буйрак ва 70 дан ортиқ жигар трансплантациялари уддаланди. Педиатрия трансплантацияси бўйича ҳам тажриба ва кўникмалар оширилиб, турли ёшдаги болаларга 50 га яқин буйрак қўчириб ўтказиш муваффақиятли бажарилди.

Кейинги йилларда юртимизда тиббиёт йўналишида илгор таълим стандартлари асосида юқори билимга эга мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, олий тиббий таълим муассасалари сони 11 тага етди. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Фарғона жамоат саламатлиги тиббиёт институти ва Қорақалпоқ тиббиёт институти ташкил этилди.

Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасаларида 6 та тиббиёт факультети очилди. Бухоро шаҳрида эса замонавий қўлайликларга эга тиббиёт кампуси бунёд этилди. Мамлакат миқёсида 11 та нодавлат тиббиёт институти иш бошлагани соҳадаги ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Этиборлики, охириги беш йил ичида бакалавриятда 3 та янги таълим йўналиши, магистратурада 10 та ва клиник ординатурада 6 та янги мутахассисликлар ташкил этилди. Натижада бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қабул



# ИСТИҚЛОЛ КУРАШЧИЛАРИ



## Жадидчилик ҳаракати қандай юзага келди?

Хўш, Ватанимиз тарихининг шонли саҳифаларидан бири бўлган жадидчилик ҳаракати қандай юзага келди? Утган асрнинг 60-йиллари миёнасида ўрганила бошланган жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти бўйича шу кунга қадар кўплаб китоб ҳамда мақолалар ёзилди, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, талайгина илмий анжуманлар ўтказилди. Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти чўққига кўтарилган XX асрнинг дастлабки чораги Туркистон халқлари тарихида ўчмас из қолдирди.



Наим КАРИМОВ, академик.

нарс ҳақиқатки, "жадид" сўзи ҳам, дастлабки жадидлар ҳам XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Абдулла Авлоний 1900 йили отаси вафот этганидан сўнг ўғай онаси билан укасини боқиб зарурати боис мадрасани ташлашга мажбур бўлган. У "Таржимаи холи"да ҳаётининг шу машаққатли кезларини эслаб, биз учун муҳим бир гапни айтган: "Шул чоқларда, — деб ёзган у, — ўзим меҳнат ичида яшаганлигимдан бойларга ва муллаларга қарши шейрлар ёза бошладим". Нега у, 22-23 ёшлардаги йигит, бойлар ва муллаларга қарши шейрлар ёза бошлади? Нега ундаги норозилик, кимларгадир нисбатан нафрат руҳи шейр шаклида ўз ифодасини топди? Бундай саволларга жавоб бериш кийин эмас. Ўша вақтда халқнинг ижтимоий турмушида ҳукм сурган адолатсизлик — кимнингдир яши, кимнингдир қийналиб кун кечираётгани ёш Авлонийни ўйлашга мажбур этган. Бу ижтимоий адолатсизлик унда халқнинг яши аяётган кичик қатламга нисбатан нафрат ва ғазаб уйғотган. Ва бу ғазаб шу адолатсизлик билан муросада яшаёт-

бўлдим. Шул замонда ерли халқлар ўртасида эскилик-янгилик жанжали бошланди. Газет ўқувчиларни муллалар "жадид", деб атар эдилар. 1905 йилдан жадидлар тўдасида ишлаш бошладим. "Жадид мактаби" очиб, ўқитувчилик қила бошладим..."

Агар Ф. Хўжаев ва С. Айний Бухорода жадидчилик ҳаракатининг бошланишини 1905 йил ва ундан кейинги воқеалар — "Таржимон", "Вақт" газеталарининг Туркистонда тарқалиши, янги усул мактабларининг очилиши ва яширин ташкилотларнинг тузилиши билан боғлаган бўлса, Авлоний ҳам жадидчиликка қарийб шундай йўл билан кириб келганини эътироф этган.

Шундай қилиб, жадидчиликнинг пайдо бўлиш вақти тараққийпарвар газеталарнинг Туркистонда тарқалиши ва "усули савтия" мактабларининг ташкил этила бошлаши билан боғлиқ.

### «Усули савтия»

Маълумки, 1883 йилдан эътиборан чиқа бошлаган "Таржимон" газетаси 1885 йилдаёқ Туркистонда 200 нусхада тарқалган. Аммо бу факт газетанинг хали Туркистондаги ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсата бошлаганини мутлақо англамайди. Буни Исмоил Гаспринскийнинг ўзи ҳам яқин билган. Унинг 1893 йили наслади Россия томонидан осонгина босиб олинди. Халқнинг шусиз ҳам оғир бўлган иқтисодий-маиший аҳоли янада аянчлашди.

Мустамлакачилик сиёсати негизда, биринчидан, ўлкадаги бойликларни ташиб кетиш, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий аҳолининг ҳақ-хуқуқларини чеклаш-чегаралаш, учинчидан, аҳолини руслаштириш, тўртинчидан, маҳаллий аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни сотиб олиш, тўртинчидан, аҳоли ижтимоий онгининг ўсишига озуқа берадиган маданият ва маърифат соҳаларини қаттиқ назорат қилиш масалалари ётади. Россиянинг Марказий Осиёда олиб борган шу йўналишдаги сиёсати оқибатида халқнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти мушкул бир аҳволга тушди. XIX асрнинг 70 — 90-йилларида кўтарилган халқ кўзғолонлари бирор натижа бермади; аксинча, кўзғолончилар шафқатсиз равишда жазоланди.

Шу даврдаги халқ ҳаётини ўз кўзи билан кўрган Фурақт рус фани, техникаси ва қуролини шарафлади. Муқимий ва бошқалар халқнинг оғир аҳолини тасвирлашга алоҳида эътибор берди. Маърифатпарварлик голяри билан сўғорилган шейрлар пайдо бўлди. Айни пайтда маърифатпарвар шоирлар орасида чоризмга сидқидилдан хизмат қилган, ҳатто ҳимоясига бел боғлан кишилар ҳам топилди.

Фақат 1905 йил воқеалари арафасида тарих саҳнасига чиққан, кейин Россия, Туркия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлардан маълум хулосага келган жадидларгина аниқ дастур асосида Туркистонда ҳукм сурган тартибни ўзгартириш ишига бел боғлаб киришди. Улар биринчи бўлиб таълим тизimini ислоҳ қилди, миллий матбуот ва театр-

навбатда, рус инқилобидан кейин кучга кирган бўлиб қиқиди. Шунинг учун ҳам Авлоний: "1904 йилда рус — япон уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди", деб ёзган.

XX аср аввалида бошланган жадидчилик ҳаракатиغا Маҳмудхўжа Бехбудий билан Мунавварқори Абдурашидхон раҳбарлик қилишган.

Хуллас, жадид адабиётининг тарихчиларидан бири, профессор Бегали Қосимов "Жадидчилик" деган мақоласида: "Жадидчилик ҳаракат сифатида 1905 йил арафаларида майдонга келган ва муайян ташкилий характерга эга бўлган (таъкид бизники — Н.К.)" деб хулоса чиқарганида мутлақо ҳақ эди.

## Мақсад — мустамлакачилик асоратидан қутулиш

Бир замонлар жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган Амир Темур салтанати кейинги асрларда парчаланашда давом этди. XIX асрнинг 50 — 60-йилларига келиб ун хонликка ажралган, ҳар томонлама заифлашган Марказий Осиё Россия томонидан осонгина босиб олинди. Халқнинг шусиз ҳам оғир бўлган иқтисодий-маиший аҳоли янада аянчлашди.

Мустамлакачилик сиёсати негизда, биринчидан, ўлкадаги бойликларни ташиб кетиш, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий аҳолининг ҳақ-хуқуқларини чеклаш-чегаралаш, учинчидан, аҳолини руслаштириш, тўртинчидан, маҳаллий аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни сотиб олиш, тўртинчидан, аҳоли ижтимоий онгининг ўсишига озуқа берадиган маданият ва маърифат соҳаларини қаттиқ назорат қилиш масалалари ётади. Россиянинг Марказий Осиёда олиб борган шу йўналишдаги сиёсати оқибатида халқнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти мушкул бир аҳволга тушди. XIX асрнинг 70 — 90-йилларида кўтарилган халқ кўзғолонлари бирор натижа бермади; аксинча, кўзғолончилар шафқатсиз равишда жазоланди.

Шу даврдаги халқ ҳаётини ўз кўзи билан кўрган Фурақт рус фани, техникаси ва қуролини шарафлади. Муқимий ва бошқалар халқнинг оғир аҳолини тасвирлашга алоҳида эътибор берди. Маърифатпарварлик голяри билан сўғорилган шейрлар пайдо бўлди. Айни пайтда маърифатпарвар шоирлар орасида чоризмга сидқидилдан хизмат қилган, ҳатто ҳимоясига бел боғлан кишилар ҳам топилди.

Фақат 1905 йил воқеалари арафасида тарих саҳнасига чиққан, кейин Россия, Туркия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлардан маълум хулосага келган жадидларгина аниқ дастур асосида Туркистонда ҳукм сурган тартибни ўзгартириш ишига бел боғлаб киришди. Улар биринчи бўлиб таълим тизimini ислоҳ қилди, миллий матбуот ва театр-

Шунинг учун ҳам, айтиш мумкинки, бугунги мустақиллик ва обод ҳаётга бехисоб йўқотишлар, мисли қўрилмаган талафотлар эвазига эришилди. Ушбу тарих ҳақиқатлари мусаффо осмон остида, беғубор тонларни қўриб улғаяётган бугунги авлодни шукроналик туйғуси билангина эмас, истиқлолдек улғунгун неъматни қадрлаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш руҳида яшашга ундайди.

га, янги ижтимоий мазмун билан йўғрилган адабиётга асос солди. Улар яратган адабиёт сўз санъатида чин маънода янги давр бошланганини кўрсатарди.

Хуллас, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тарихий давр тақозоси ҳамда тарихий-ижтимоий вазиятни, халқ ҳаёти ва тақдирини ўзгартириш, ўзлигини англаш, мустамлакачилик асоратидан қутулиш мақсади билан майдонга келди.

## Фаол ва изчил ҳаракат

Профессор Бегали Қосимов "Жадидчилик" номли мақоласида мазкур ҳаракатнинг қуйидаги муҳим белгиларини қайд этди: биринчидан, жадидчилик ҳаракат сифатида 1905 йил арафаларида майдонга келган ва муайян ташкилий характерга эга бўлган; иккинчидан, характер йўналишига кўра, антифеодал, антиколониял бўлиб, Туркистондаги кенг омманнинг, биринчи навбатда, шаклланиб келаётган буржуазиянинг интилиш ва манфаатларини ифода этди (Олимнинг бу фикри совет мафқураси таъсирида айтилган — Н.К.);

учинчидан, Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, овоз ва обод Ватанга айлантириш, биринчи навбатда, мустамлакачилик эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсад-вазифасини ташкил қилар эди;

тўртинчидан, жадидчилик, таркибига кўра, хилма-хил ижтимоий гуруҳларни ўзида жалб этган эди. Шу тўғриси Туркистоннинг бўлажак идора усули, умуман, ижтимоий қурилиши, ер ва мулк муносабатлари, хотин-қизлар озолиги масалаларида ақиллик йўқ ва бўлиши мумкин эмас эди.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда жадидларнинг 1917 йил февраль инқилобидан кейин сиёсий ташкилотлар тузиш, Туркистон Мухторияти ҳукмати-ни барпо этиш, мухторият тугатилгандан кейин эса "Миллий иттиҳод" ташкилотини кенгайтириш ва қучайтириш орқали мустамлакачилик йўлида фаол ва изчил кураш олиб борганларини эътироф этиш лозим.

Утган асрда истиқлол деган, юртимизни ёруғ манзилларга олиб чиқишни ният қилган кўплаб ўторак ўғлонларимиз бемисл зулму ситамларга гирифторм бўлди, тўғра тутилди, ўққа учди, совуқ ўрмонзорларга сургун қилинди. Бундай қаҳрамонларнинг аксарияти жадидлар эди. Фикри уйғоқ, маърифатпарвар, ватанпарвар бу инсонлар халқимизни истибод қишанларидан озод этишга, қўллик исканжасидан қутқаришга интилди. Бу йўлда одамларнинг онгу дунёқарашини бойитиш, билим ва салоҳиятини юксалтириш, кўнгли кўзини очиб уларнинг асосий мақсади бўлди. Баринқ улар ўта шафқатсиз, қонхўр тузумда яшаётган эдилар. Мустабид тузум ўйлаб-нетиб ўтирмай, миллий гули бўлган, қарамликдан қутулмоқчи истаган ҳар қандай инсонни маҳв этиб келди. Унинг оиласи, яқинлари, дўстлари ҳам таъқибга олинди.

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### ТЕГИРМОНБОШИ — ФАЙЗЛИ ВА ОБОД МАҲАЛЛА

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" тамойиллари асосида янгича қиёфа касб этган Ёёёёон туманидаги Тегирмонбоши маҳалласида тантанали байрам шодиёналари бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа даврда маҳаллага 2,5 млрд. сўмдан ортиқ республика ва вилоят бюджетли маблағлари сарфла-

— Шунингдек, 1,9 км. оқова ҳамда 2,7 минг метрлик ичимлик суви тармоқлари тортиш, битта оқова сув қудуғи қуриш бўйича иш-



ниб, ҳудуд инфратузилмаси яқшиланди. Маҳалладаги 335 та хонадонда хатлов ишлари олиб борилиб, муаммоларга ечим белгиланди. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

— Янгилиниш ва ўзгаришлар жараёнида маҳалла биносига қўшимча 3 та хизмат хонаси қуриб битказилди, — дейди "Тегирмонбоши" МФЙ раиси Муҳаммадқон Мамажонов.

лар олиб берилди. Электр энергияси таъминоти яқшиланиб, 4,5 км. ички йўللарга асфальт ётқизилди. Пиёдалар йўлакларни ташкил этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида янги тикувчилик цехи ишга туширилди. Натижада маҳалланинг 20 нафар аёли доимий иш ўрни билан таъминланди.

## ЎҚУВЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Андижон вилоятида 7 640 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари бепул мактаб кийимлари билан таъминланди.



— Бу биз учун катта ёрдам бўлди, — дейди Андижон туманидаги "Қум кўча" МФЙда истиқомат қилувчи Ҳидоятхон Сайназарова. — Тежаб қўлингиз маблағ ҳисобига фарзандим учун ўқув қуроллари сотиб ол-

дим. Эътибор ва ғамхўрлик учун раҳмат.

Шунингдек, Андижон шаҳрининг 15 та, қолаверса, туман марказларида мактаб савдо ярмаркалари ташкил этилиб, уларда ўқувчилар учун зарур бўлган анжомлар — кийим-кечак ҳамда ўқув қуроллари бозорга нисбатан арзон нарҳда сотувга чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ярмаркалар кўп қаватли уйлар олдига уюштирилган. Бу ота-оналарга ҳам нақдини, ҳам вақтини тежаш имконини беради.

## ЧЎПОНОТАДА КЎРКАМ БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Самарқанд шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик муҳитни соғломлаштириш, табиати асраш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Лойиҳага кўра "Яшил боғ", "Яшил жамоат парки" каби янги табиий ҳордиқ масканлари барпо этиляпти. Айни жараёнда кўкна кентда дарахтзор, бутазор, гулзор ва мейсазорни қўпайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

— Шаҳардаги яшил масканлар майдонини кенгайтириш, боғ, ҳиббон ва қўчалардаги касалланган, кўриб қолган дарахтлар ўрнига янгилисини ўтқизиш орқали табиий мўстақиллигини таъминлаш чоралари қўриляпти, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Феруз Наҳиддинов.

— Бу борада шаҳарнинг шарқий чеккасида жойлашган Чўпонота тепалигидаги кат-

та майдонда манзарали ва игнабаргли дарахт қўчатлари ўтқазилиб, яшил ҳудуд ташкил этилди.

Чўпонота тепалигида тутах ҳудудда жорий йилнинг куз фаслида умумий майдони 4,8 гектар бўлган "Яшил боғ" яратишга киришилди. Эзгу ташаббус доирасида келгуси йили яна 7,8 гектар майдонда янги боғ барпо этиш кўзда тутилган.

Айни жараёнда боғдаги қўчатларга агротехник ишлов бериш, сўғориш, озиклантириш, касалликлардан сақлаш учун ўрмон хўжалиги ва тегилли ташкилотлар иштирокида махсус хизмат фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

«Халқ сўзи».

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг жадиди маълумотларини оқиб олди учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буоқ Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-8788